

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХОЛОВА ДИЛОРОМ ШАРИФОВНА**

**ҚАЙТАЛАНУВЧИ ГИПОФИЗ НОФАОЛ АДЕНОМАЛАРИ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЭПИГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА  
БАШОРАТЛАШ ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ (КЛИНИК -  
ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ, ГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)**

**Холова Дилором Шарифовна**

Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари ривожланишининг  
эпигенетик механизмлари ва башоратлаш омилларини баҳолаш  
(клиник - иммуногистохимёвий, генетик тадқиқот)..... 3

**Холова Дилором Шарифовна**

Эпигенетические механизмы развития рецидивирующих неактивных  
аденом гипофиза и оценка факторов прогноза  
(клинико - иммуногистохимическое, генетическое исследование)..... 37

**Kholova Dilorom Sharifovna**

Epigenetic mechanisms of the development of recurrent inactive pituitary  
adenomas and assessment of prognostic factors  
(clinical immunohistochemical, genetic research)..... 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 77

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА  
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХОЛОВА ДИЛОРОМ ШАРИФОВНА**

**ҚАЙТАЛАНУВЧИ ГИПОФИЗ НОФАОЛ АДЕНОМАЛАРИ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЭПИГЕНЕТИК МЕХАНИЗМЛАРИ ВА  
БАШОРАТЛАШ ОМИЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ (КЛИНИК -  
ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ, ГЕНЕТИК ТАДҚИҚОТ)**

**14.00.03 – Эндокринология**

**тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.1.DSc/Tib649 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.endomarkaz.uz](http://www.endomarkaz.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Халимова Замира Юсуфовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Трошина Екатерина Анатольевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Махкамов Козим Эргашевич**  
тиббиёт фанлари доктори

**Абдуллаев Алишер Абдумавлянович**  
биология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини  
ривожлантириш маркази**

Диссертация ҳимояси Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.04.2023.Tib.161.01 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871) 262-27-02, e-mail: [info@endomarkaz.uz](mailto:info@endomarkaz.uz)).

Диссертация билан Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мирзо Улуғбек кўчаси, 56-уй. Тел/факс: (+99871)262-27-02).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Г.А. Алимухамедова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, тиббиёт фанлари доктори

**У.А. Мирсайдова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича  
фалсафа доктори (PhD)

**Х.К. Насырова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
тиббиёт фанлари доктори

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунёда гипофиз нофаол аденомалари (ГНА) нафақат тиббий, балки муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммо саналиб, улар энг фаол меҳнатга лаёқатли ёшда пайдо бўлади ва ҳаёт сифатининг кескин ёмонлашишига, аҳолининг ногиронлигига ва эрта ўлимга олиб келади. ГНА барча мия ичи ўсмаларининг тахминан 10-20%ини ва барча гипофиз аденомаларининг 15-54%ини ташкил қилади ва асосан 30-60 ёшда учрайди. ГНА асосан тасодифан ёки ўсма сезиларли даражада катталашганида аниқланади, бу кўриш аъзоларининг дисфункциясини (78% гача), неврологик (75-80%), жинсий ва репродуктив асоратларни (38,6 - 75%) келтириб чиқаради, бу эса гипофиз яқин атрофидаги тузилмаларнинг ўсма билан сиқилиши «масс-эффект» оқибатида юзага келади ва гипо - ёки пангипопитуитаризм каби оғир гормонал касалликларни келтириб чиқаради, бу эса ўз навбатида беморларни умрбод ўрин босувчи гормонал терапияга муҳтож қилади, бундай асоратларнинг беморларда учраш частотаси 43-89%га етади ва беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада ёмонлаштиради. Шу сабабли, ушбу беморлар гуруҳининг операциядан кейинги кузатуви муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади.

ГНА секин ва чекланган ўсишига қарамай, 25-55% ҳолларда агрессив ва инвазив ўсади ва қайталади, бу уларни бошқариш учун тактикани ўз вақтида танлаш муҳимлигини белгилайди. Каверноз синус тузилмаларига аденоманинг инвазив ўсиши мавжуд бўлган ҳолларда, трансфеноидал аденомектомиядан кейин қолдиқ ўсимта тўқимаси мавжуд бўлган ўсмалар учун қайталаниш хавфи юқори ҳисобланади. Замонавий нейрожарроҳликнинг эришган ютуқларига қарамай, ГНАнинг ҳажми ва инвазив ўсиши кўпинча ўсманинг қисман резекциясига олиб келади ва 50-80% ҳолатларда операциядан кейинги қолдиқ тўқиманинг мавжудлигига ҳамда ўсманинг қайта такрорий ўсишига сабабчи бўлади. Охирги мета-таҳлиллар шуни кўрсатдики, сўнгги 30 йил ичида гормонал фаол ўсмаларга қараганда қайталанувчи ГНАлари билан касалланиш кўпайган. Жарроҳлик давосидан кейинги МРТ текширувда тасдиқланган тўлиқ резекциядан сўнг қайталаниш хавфи аденомектомиядан 5 ва 10 йил ўтгач, мос равишда 10-20% ва 30% ни ташкил этган. Бугунги кунга қадар ГНАларининг жарроҳлик давосидан кейинги кечишини аниқ башорат қила оладиган ишончли маркёрлар мавжуд эмас. Бинобарин, ушбу гуруҳ беморларнинг операциядан кейинги кузатуви муаммо бўлиб қолмоқда, бу тадқиқотни ўтказишнинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Мамлакатимизда тиббий ёрдамни янада ривожлантириш, тиббиёт тизимини жаҳон стандартлари талабларига мослаштириш, жумладан, сурункали касалликларнинг аҳоли орасида тарқалишини камайтириш ва профилактикасига муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти та устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини

яхшилаш...»<sup>1</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда аҳоли орасида эндокрин тизимнинг турли касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий технологиялардан фойдаланишни яхшилаш орқали касаллик асоратларини камайтиришга қаратилган илмий тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 апрелдаги ПҚ-4295-сон «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига эндокринологик ёрдамни такомиллаштириш Миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида», 2022 йил 26 январдаги ПҚ-102-сон «Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.**

ГНАларининг онкогенези, тажовузор ўсиши маркёрларини, шунингдек қайталанувчи кечишининг механизмларини ўрганишга йўналтирилган қатор илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: Dalhousie Университети, Торонто Университети (Канада); Coleman-Ios Medicina Futura тиббиёт маркази (Италия); Лейден университети тиббиёт маркази (Leiden, Нидерланды); Ramón y Cajal University Hospital (Испания); Fujian Medical University (Хитой); Лион Университети (Франция); Кливленд тиббиёт маркази, Вирджиния Университетининг саломатлик илмий маркази (АҚШ); Гипоталамус ва гипофиз маркази (Япония); Уппсаль университетининг иммунология, генетика ва патология кафедраси (Швеция); Лозанн патология университети (Швейцария); Оксфорд университети, Эндокринология, диабет ва метаболизм маркази, Қиролича Елизаветанинг Университети касалхоналари (Буюк Британия); Эндокринология, диабет и моддалар алмашинуви госпитал маркази (Сан-Жуан, Португалия), Сеченов номидаги 1-Москва Давлат университети (Россия Федерацияси); Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон).

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>2</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: [pubmed.ncbi.nlm.nih.gov](http://pubmed.ncbi.nlm.nih.gov), [cyberleninka.ru](http://cyberleninka.ru), [www.goethe-university-frankfurt.de](http://www.goethe-university-frankfurt.de), [www.utexas.edu](http://www.utexas.edu), [ubc.ca](http://ubc.ca), [www.berkeley.edu](http://www.berkeley.edu), [www.uark.edu](http://www.uark.edu), [www.virginia.edu](http://www.virginia.edu), [www.pitt.edu](http://www.pitt.edu), [www.ncl.ac.uk](http://www.ncl.ac.uk), [www.uio.no/english](http://www.uio.no/english), [www.useoul.edu](http://www.useoul.edu), [www.pkuf.org](http://www.pkuf.org), [www.gematologiya.uz](http://www.gematologiya.uz).

“Жим” ўсмалар, яъни ГНАлари функционал фаол ўсмалардан қайталаниш хавфи юқори агрессив кечиши билан фарқланади ва бу борада олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: гипофиз безининг “жим” аденомалари 25% ҳолларда кейинчалик функционал фаоллашиши аниқланган (Birmingham and Oxford тиббиёт марказлари, Буюк Британия; Ла-Корунья университети, Испания; Лозанна Университети, Швецария; Гипофиз ўсмалари ва бош суягининг эндоскопик жарроҳлиги маркази, Италия); ГНА ривожланиши, тажовузор ўсиши ва қайталанишини башорат қилиш маркерлари аниқланган (Nürnberg Университети, Германия; Торонто Университети, Канада; Техрон тиббиёт Университети, Эрон; Неаполь Университети, Италия; Прага тиббиёт университети, Венгрия). Дунё олимлари қатори ўзбек олимлари томонидан ҳам гипофиз аденомалари ва шу қаторда гипофиз нофаол аденомаларининг патогенези, ташхисоти ва даволашнинг айрим масалаларига бағишланган илмий ишлар бажарилган (Академик Ё.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази (Ўзбекистон Республикаси)).

Дунёда жарроҳлик давосидан кейин ўсмаларнинг қайталанишини башорат қилиш бўйича қатор, жумладан: микроРНКлар, иммуногистокимёвий маркерлар Ki-67, хромогранинлар ва p53нинг гипофиз онкогенезидаги аҳамиятини баҳолаш; уларнинг аденомаларнинг инвазив тажовузор ўсиши ҳамда қайталаниши маркерлари сифатидаги башоратли аҳамиятини баҳолаш; бу маркерларнинг гипофиз ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашдан кейинги узоқ муддатли натижаларини башорат қилишдаги “чегара” қийматларини аниқлаш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сўнгги 10 йил ичида бутун дунё бўйлаб кўплаб клиник ва фундаментал тадқиқотлар ўтказилди, уларнинг натижалари ГНА муаммосини ҳар томонлама ўрганишга имкон беради. Ўтказилган бир нечта кўп марказли тадқиқотлар рўйхатга олинган маълумотларга асосланади, аммо ГНА бўлган беморларни бошқариш бўйича ягона клиник тавсиялар мавжуд эмас. Баъзи тадқиқотлар аденоманинг инвазив ва тажовузор ўсиши, авж олиши ёки қайталаниши билан боғлиқ ҳолатларни иноватга олган ҳолда p53 ва Ki-67 маркерларининг экспрессиясини кўрсатди (Foltran RK, 2018; Glebauskienė, 2018). Қабул қилинган сўнгги таснифлар гипофиз ўсмаларини маълум бир аденогипофизар хужайра қаторига мансублигига қараб табақалаштиради, сўнгги гистологик вариантларни гормонал таркибга ва ўзига хос гистологик ва иммуногистокимёвий белгилар мавжудлигига қараб аниқлайди (Aflorei, 2014; Iglesias P, 2017; Sadik, 2017; Foltran RK, 2018; Blake M. Hauser, 2019; Sadeghipour, 2023). Сўнгги пайтларда иммуногистокимёвий тадқиқотлар хужайра цикли билан боғлиқ антигенларни таҳлил қилиш орқали анъанавий гистологик таҳлилни яқунлаш ва хужайра пролиферациясини иммуногистокимёвий (ИГК) баҳолашнинг стандарт амалиётига айланди ва клиник онкология учун таянч бўлиб хизмат қилади. Сўнгги ўн йилликдаги тадқиқотлар клиник аҳамиятга эга бўлган бир нечта ИГК маркерларини аниқлади, аммо шу билан бирга ушбу маркерлар ўсмаларнинг пролифератив фаоллиги билан корреляцион алоқаси йўқлигини

кўрсатган (Гареев И.Ф., 2018; Любимова Н.В., 2018; Пронин В.С., 2021; Николенко В.Н., 2023).

Ўзбекистон Республикасида ГНА патогенези, ташхисоти ва даволашнинг айрим масалаларига оид қатор илмий ишлар олиб борилган (Халимова З.Ю., 2001; Махкамов К.Э., 2014; Насырова Х.К., 2021; Азимова О.Т., 2022), бироқ жарроҳлик давосидан кейинги қайталаниш маркёрларини ўрганиш ва аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотлар ҳозиргача олиб борилмаган. Нофаол гипофиз аденомалари муаммоси етарлича чуқур ёритилмаган бўлиб, ташхисот ва даволаш натижаларини башорат қилишнинг кўплаб жиҳатлари ҳамда касалликнинг қайталаниши билан боғлиқ масалалар етарлича ўрганилмаган.

Бугунги кунга келиб, морфологик ва эпигенетик омилларни инобатга олган ҳолда комплекс ва ўзаро боғлиқ ҳолда жарроҳлик даволашдан сўнг ГНАнинг қайталанишини башорат қилиш белгиларини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар бажарилмаган. Шундай қилиб, патогенезни ўрганиш, ташхисот ва шахсийлаштирилган даволашнинг такомиллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш, касалликнинг авж олиши ва такрорланиши белгиларини аниқлаш эндокринологиянинг долзарб муаммоси бўлиб, унинг кўплаб масалалари мунозаралиги ва ҳалигача ҳал қилинмаганлиги ушбу тадқиқотни ўтказиш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ - 20170928355 “Нейроэндокрин тизим ўсмаларини эрта ташхислаш ва дифференциал даволашнинг юқори технологияли усулларини ишлаб чиқиш” (2018-2020 йй.) ҳамда №ПЗ-2020042188 “Гипофизнинг гормонал фаол ўсмаларида юрак-қон томир асоратлари шаклланишини эрта ташхислаш ва башорат қилишнинг янги технологик усулларини ишлаб чиқиш” (2021-2023 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларининг ривожланишида ўсма авж олиш маркерлари ва эпигенетик омилларнинг башоратли ролини баҳолаш, даволаш тактикасини танлаш ва асоратларини коррекция қилиш учун шахсийлаштирилган ёндашувларни ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикаси бўйича ГНАлари билан касалланган беморларнинг клиник, биокимёвий, гормонал хусусиятларини ўрганиш; аниқланган асоратлар, касалликнинг клиник кечиши, қайталаниши ва ИГК ҳамда транскрипция омилларини ҳисобга олган ҳолда ГНАлари билан касалланган беморларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш;

беморларнинг жинси, ёши, клиник, гормонал ва кўриш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ГНАнинг асоратларини баҳолаш;

гипофиз нофаол аденомаси тўқималарида ўсманинг авж олиш маркерлари p53, хромогранин А ва Ki – 67нинг, шунингдек, ГНА бўлган беморларнинг



қонида ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miR – 128, miR – 155нинг башоратлаш қийматини баҳолаш;

қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларининг оқибатларини башорат қилишда ўсманинг авж олиши ва эпигенетик ўсиш омилларининг ролини аниқлаш;

ўсма ривожланишининг потенциал башоратчилари ва эпигенетик омилларини ҳисобга олган ҳолда, қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларини даволашнинг шахсийлаштирилган усулларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида академик Ё.Х. Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида (РИЭИАТМ) амбулатор ва стационар даволанишда бўлган 501 нафар, шунингдек тадқиқотнинг асосий гуруҳлари учун ажратиб олинган 100 нафар бемор: 50 нафар қайталанувчи кечишли ва 50 нафар турғун кечишли гипофизнинг нофаол аденомаси билан касалланган беморлар маълумотлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида биокимёвий, гормонал, эпигенетик тадқиқотлар ўтказиш учун беморларнинг қон зардоби, морфологик тадқиқотлар ўтказиш учун ГНА тўқималари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларинининг ривожланишида ўсма авж олиш маркерлари ва эпигенетик омилларнинг башоратли ролини баҳолаш учун умумий клиник, биокимёвий, гормонал, тасвирлаш, иммуногистохимёвий, генетик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагидан иборат:

ГНАлари авж олишидаги аҳамиятини баҳолаш асосида касалликнинг кечишини, оқибатини ва қайталанишини башоратловчи мезон сифатида илк бор ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miRNA–128, miRNA–155 экспрессиясининг юқори даражаси аҳамияти аниқланган;

ГНАлари ривожланиши ва қайталанишида ўсма ўсишининг ИГК маркёрлари Ki-67, p53, хромогранин А юқори даражаси билан тўғри корреляцион боғланиш борлиги аниқланган;

қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари ўсиши ва қайталанишининг патогенезида ИГК маркёрлар Ki-67, p53, хромогранин А ҳамда эпигенетик омиллар miRNA – 128, miRNA – 155 экспрессиясининг юқори даражаси билан тўғри корреляцион боғланиш борлиги исботланган;

ўсма ўсишининг ИГК маркёрлари Ki-67, p53, хромогранин А ҳамда эпигенетик омиллар miRNA – 128, miRNA – 155 учун чегара қийматлари (“кесиш нуқтаси”) аниқланиб, улар ёрдамида ГНАлари қайталанишини башоратловчи мезонларнинг энг муҳим комбинацияси аниқланган;

қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари ривожланишини эрта ташхислаш ва даволаш алгоритми ҳамда касаллик қайталанишини башоратловчи модель ишлаб чиқилган, шунингдек касаллик кечишига кўра патогенетик даволаш тартиби нейровизуализацион ва биокимёвий текширувлар асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

“Neural Networks” модулидаги SPSS 23 дастурида сунъий кўп қатламли персептроник таҳлил ёрдамида ГНАлари қайталанишини башорат қилиш модели ишлаб чиқилган;

miRNA – 128, miRNA – 155 эпигенетик ўсиш омиллари ва Ki-67, p53 ва хромогранин A иммуногистокимёвий пролиферация маркерларини инобатга олган ҳолда ГНАлари билан касалланган беморларни ташхислаш, бошқариш ҳамда қайталанишини башорат қилиш модели асосида “Гипофиз нофаол аденомаси сабабли операция қилинган беморларда қайталаниш хавфини башорат қилиш” алгоритми ва калькулятори ишлаб чиқилган ҳамда унга Интеллектуал мулк агентлигида DGU 41456 сонли (19.07.2024 й.) хавфсизлик гувоҳномаси олинган;

“Гипофиз нофаол аденомалари билан оғриган беморларнинг маълумотлар базаси” ЭХМ дастури оптималлаштирилди; у беморлар тўғрисидаги маълумотларни бирлаштиришга, тезкор ташхис қўйишга, даволаш тактикасини аниқлашга ва уларни динамик кузатишга имкон берган ҳамда унга Интеллектуал мулк агентлигида BGU 1288 сонли (14.02.2024 й.) хавфсизлик гувоҳномаси олинган;

ГНА тўқимасида Ki-67, p53, хромогранин A экспрессиясини, шунингдек реал вақтдаги полимер занжир реакцияси (РВ ПЗР) орқали ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miRNA – 128, miRNA – 155ни қон зардобида текшириш гипофиз нофаол аденомаларининг қайталанган шакллари башоратлаш учун муҳимлиги асосланган;

ГНАнинг қайталанишини башорат қилиш модели асосида яратилган “Гипофиз нофаол аденомаси сабабли операция қилинган беморларда касаллик қайталаниш хавфини башорат қилиш” калькулятори Ki-67, p53, хромогранин A экспрессиясини, шунингдек, miRNA – 128, miRNA – 155 эпигенетик ўсма ўсиш омилларини ҳисобга олган ҳолда қайталанган ГНАни башорат қилиш учун шахсийлаштирилган ёндашувни таъминлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморларнинг сони етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган умумий клиник, биокимёвий, гормонал, тасвирлаш, иммуногистокимёвий, генетик ва статистик тадқиқот усуллар асосида қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларинининг ривожланишида ўсма авж олиш маркерлари ва эпигенетик омилларнинг башоратли ролини баҳолашнинг ўзига ҳослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, ҳулосалар ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларининг клиник-биокимёвий, гормонал, визуал, асбобий, генетик ва иммуногистокимёвий хусусиятлари ўсманинг ўлчами, ўсиш йўналишига, шунингдек беморлар жинси, ёши, касаллик давомийлиги билан боғлиқ ҳолда тавсифланганлиги, Ki-67, p53, хромогранин A иммуногистокимёвий маркерларининг ташхисий ва башоратли роли, шунингдек miRNA – 128, miRNA – 155 эпигенетик ўсиш омиллари ўрганилганлиги ва таҳлил қилинганлиги, қайталаниш кўрсаткичлари аниқланганлиги ва уларнинг прогностик аҳамияти баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот натижалари асосида касаллик оқибатларини башорат қилиш, ўз вақтида тўғри даволаниш тактикасини аниқлаш, шу билан ногиронлик, ўлимни камайтиришга ёрдам бериш ва натижада ушбу тоифадаги беморларни кейинги даволаш учун иқтисодий харажатларни камайтириш имконияти яратилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари ривожланишининг эпигенетик механизмлари ва башоратлаш омилларини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

*биринчи илмий янгилик:* ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miRNA–128, miRNA–155 нинг ГНА авж олишидаги аҳамиятини баҳолаш асосида касалликнинг кечиши, оқибати ва қайталаниши учун уларнинг башоратли аҳамияти аниқланганлиги бўйича таклифлар акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМ Этик қўмитаси томонидан 2023 йил 23 апрелдаги 3-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларини эрта ташхислашдаги замонавий ёндашувлар» ва 2023 йил 11 майдаги 5-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.06.2023 йилдаги 72- ва 73-сон ҳамда акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМнинг Самарқанд филиали бўйича 12.06.2023 йилдаги 23-н ва 25-н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни бошқариш, дифференциал даволаш ва уларни кузатишни таъминлаш учун мақбул стратегияни танлашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни даволаш учун сарфланадиган 15 млн. сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усул бўйича ГНАлари билан касалланган беморларни олиб бориш касаллик қайталанишини олдиндан башоратлаш ва ўсма қайталангандан кейинги такрорий оператив даволашни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

*иккинчи илмий янгилик:* Ki-67, p53, хромогранин Анинг юқори пролиферация индекси ва ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miRNA – 128, miRNA – 155 комбинацияси ГНАнинг шаклланиши ва қайталаниши патогенезида муҳим роли аниқланганлиги бўйича таклифлар акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМ Этик қўмитаси томонидан 2023 йил 23 апрелдаги 3-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларини эрта ташхислашдаги замонавий ёндашувлар» ва 2023 йил 11 майдаги 5-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.06.2023 йилдаги 72- ва 73-сон ҳамда акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМнинг Самарқанд филиали бўйича 12.06.2023 йилдаги 23-н ва 25-н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан

касалланган беморларни бошқариш, дифференциал даволаш ва уларни кузатишни таъминлаш учун мақбул стратегияни танлашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни даволаш учун сарфланадиган 15 млн. сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усул бўйича ГНАлари билан касалланган беморларни олиб бориш касаллик қайталанишини олдиндан башоратлаш ва ўсма қайталангандан кейинги такрорий оператив даволашни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

*учинчи илмий янгилик:* қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари бўлган беморларда Ki-67, p53, хромогринин A пролиферация индексининг юқори кўрсаткичи ва ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miRNA – 128, miRNA – 155 ўртасидаги боғлиқлик аниқланганлиги бўйича таклифлар акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМ Этик қўмитаси томонидан 2023 йил 23 апрелдаги 3-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларини эрта ташхислашдаги замонавий ёндашувлар» ва 2023 йил 11 майдаги 5-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.06.2023 йилдаги 72- ва 73-сон ҳамда акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМнинг Самарқанд филиали бўйича 12.06.2023 йилдаги 23-н ва 25-н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни бошқариш, дифференциал даволаш ва уларни кузатишни таъминлаш учун мақбул стратегияни танлашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни даволаш учун сарфланадиган 15 млн. сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усул бўйича ГНАлари билан касалланган беморларни олиб бориш касаллик қайталанишини олдиндан башоратлаш ва ўсма қайталангандан кейинги такрорий оператив даволашни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

*тўртинчи илмий янгилик:* ўсма ўсишининг эпигенетик омиллари miRNA – 128, miRNA – 155 ва прогрессиясининг белгилари Ki - 67, p53, ХГН А учун чегара қийматлари (“кесиш нуктаси”) ўрнатилиб, улар ёрдамида ГНАси қайталаниши маркёрларининг энг муҳим комбинацияси аниқланганлиги бўйича таклифлар акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМ Этик қўмитаси томонидан 2023 йил 23 апрелдаги 3-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларини эрта ташхислашдаги замонавий ёндашувлар» ва 2023 йил 11 майдаги 5-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.06.2023 йилдаги 72- ва 73-сон ҳамда акад. Ё.Х.Тўракулов номидаги РИЭИАТМнинг Самарқанд филиали бўйича 12.06.2023 йилдаги 23-н ва 25-н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қайталанувчи гипофиз нофаол

аденомалари билан касалланган беморларни бошқариш, дифференциал даволаш ва уларни кузатишни таъминлаш учун мақбул стратегияни танлашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни даволаш учун сарфланадиган 15 млн. сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усул бўйича ГНАлари билан касалланган беморларни олиб бориш касаллик қайталанишини олдиндан башоратлаш ва ўсма қайталангандан кейинги такрорий оператив даволашни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади;

*бешинчи илмий янгилик:* олинган натижаларни негизида қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари бор беморлар учун ишлаб чиқилган шахсийлаштирилган даволаш схемалари ва мезонлари илмий асосланганлиги бўйича таклифлар акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМ Этик қўмитаси томонидан 2023 йил 23 апрелдаги 3-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомаларини эрта ташхислашдаги замонавий ёндашувлар» ва 2023 йил 11 майдаги 5-сон билан тасдиқланган «Қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритми» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Бухоро вилояти эндокринология диспансери бўйича 15.06.2023 йилдаги 72- ва 73-сон ҳамда акад. Ё.Х.Тўрақулов номидаги РИЭИАТМнинг Самарқанд филиали бўйича 12.06.2023 йилдаги 23-н ва 25-н-сон буйруқлари билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* қайталанувчи гипофиз нофаол аденомалари билан касалланган беморларни бошқариш, дифференциал даволаш ва уларни кузатишни таъминлаш учун мақбул стратегияни танлашга имкон беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* мазкур касалликни даволаш учун сарфланадиган 15 млн. сўм бюджет маблағлари тавсия этилган усул бўйича ГНАлари билан касалланган беморларни олиб бориш касаллик қайталанишини олдиндан башоратлаш ва ўсма қайталангандан кейинги такрорий оператив даволашни олдини олиш натижасида иқтисод қилинади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 18 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро, 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан 3 та монография, 2 та услубий тавсиянома ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 30 та мақола, жумладан, 26 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалар асосланган, ўрганиш объекти ва предмети


тавсифланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлигини кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг аҳамиятини очиб берилган, тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш бўйича ҳамда нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Адабиётлар шарҳи”** деб номланган ва 7 та кичик бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолатига кўра маҳаллий ва хорижий адабиётлар маълумотлари таҳлил қилинган. Ушбу патологиянинг этиологик ва патогенетик жиҳатлари акс эттирилган, гипофиз фаол бўлмаган аденомаларининг ривожланиши ва қайталаниш механизмлари тасвирланган. Гипофиз фаол бўлмаган аденомаларининг ривожланиши ва қайталанишининг клиник-гормонал, патогенетик, иммуногистокимёвий ва эпигенетик жиҳатлари батафсил баён этилган, шунингдек, замонавий даволаш усуллари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, текширилган беморларнинг умумий тавсифи берилган. Тадқиқотга 11 ёшдан 78 ёшгача гипофиз фаол бўлмаган аденомаси бўлган 501 нафар беморлар (ўртача ёши  $36,3 \pm 13,5$  ёш) киритилган бўлиб, уларнинг маълумотлари ЎзР томонидан фаол бўлмаган гипофиз аденомаси рўйхатида мавжуд, улардан 50 нафар қайталанган ва 50 нафар турғун кечиш шакли (таққослаш гуруҳи) билан беморлар бўлган. Барча беморларда замонавий клиник, биокимёвий, иммунохемилюминесцент ва асбобий текширувлар ўтказилган. 50 нафар асосий гуруҳ ва 50 нафар таққослаш гуруҳидаги беморларда гистологик ҳолат текширилган, шунингдек пролифератив фаоллик омилларининг экспрессиясини аниқлаш билан иммуногистокимёвий (ИГК) тадқиқотлар ўтказилган: ўсма тўқималарида Ki-67, p53, хромогранин А ва шунингдек қон зардобиди РВ ПЗР усули билан эпигенетик транскрипция омиллари - miR – 128, miR – 155 аниқланган.


Статистик таҳлил Microsoft Excel, Statistica for Windows 13.0, IBM SPSS Statistica 23, и MedCalc 18,5 версияси ёрдамида амалга оширилган. Дастлабки маълумотлар Колмогоров-Смирнов мезони бўйича меъёрий тақсимотга мувофиқлиги баҳоланган. Натижалар медиан (Me) [интерквартил оралиғи Q25; Q75], шунингдек  $M \pm SD$  шаклида берилган. Сифат белгилари фарқларининг статистик ишончилиги Пирсоннинг Хи-квадрат ( $\chi^2$ ) мезони ёрдамида баҳоланган. Ўрганилаётган ўзгарувчилар ўртасидаги корреляция алоқасини таҳлил қилиш Спирман даража корреляция коэффитсиенти ёрдамида амалга оширилган.  $p < 0,05$  фарқлар статистик жиҳатдан ишончли деб ҳисобланган. “SPSS 23 for Windows” («IBM Corp. Armonk», NY, AQSH) қайталаниш эҳтимолини баҳолаш учун, шу жумладан Каплан-Мейернинг “ҳодисасиз омон қолиш” усули (яъни операциядан кейинги биринчи ташрифдан бошлаб қайталаниш пайдо бўлишигача) longrank мезонига мувофиқ ишончилиги аниқланган. ПЗР натижаларини таҳлил қилиш SYBR детектори дастури ёрдамида амалга оширилган. Нейротармоқ таҳлили (кўп қатламли персептрон) SPSS 23 дастурида Neural Networks модулида бажарилган.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўз тадқиқотларининг натижаларига кўра ГНАларининг гендер, клиник-гормонал, визуал хусусиятлари” деб номланган. 2010 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда акад. Ё.Х. Тўракулов номидаги РИЭИАТМ клиник текширув жараёнида 501 нафар бемор аниқланган: 162 нафар эркак (32,3%) ва 339 нафар аёл (67,7%) ГНА билан: 224 нафар (44,7%) бемор (эркаклар 55 нафар ва аёллар 169 нафар) гипофиз микроаденомаси (аденома ўлчами 10 мм гача), 246 нафар (49,1%) гипофиз макроаденомаси бўлган беморлар (эркаклар - 97 ва аёллар - 149) (аденома ҳажми 40 мм гача) ва гигант гипофиз аденомаси бўлган 31 (6,2%) беморлар (аденома ҳажми 40 мм дан ортиқ) (эркаклар - 10 ва аёллар – 21 нафар). Кейинчалик, ушбу бобда тақрорий ГНАнинг қиёсий хусусиятлари келтирилган. Умуман олганда, ГНА билан касалланган 100 нафар беморнинг маълумотлари таҳлил қилинган: биринчи гуруҳга қайталанган кечиши билан 50 нафар бемор, иккинчи гуруҳга – турғун кечиши билан 50 нафар бемор кирган. Ёши (1 гуруҳ- $35,7 \pm 12,5$  ёш; 2 гуруҳ- $38,9 \pm 14,2$  ёш;  $p=0,24$ ) ва жинси (1 гуруҳ – эркаклар -58,0% ва аёллар-42,0%; 2 гуруҳ – эркаклар -56,0% ва аёллар-44,0%; нисбий имконият (НИ) 1,09; 95% 0,49-2,40;  $p=0.84$ ) бўйича гуруҳлар мос бўлган. Қайталанган кечишга эга бўлган гуруҳда кўнгил айланиш (46% га нисбатан 4,0%; НИ 9,80; 95% ишончли оралик (ИО) 3,06-31,4;  $p < 0,0001$ ) ва бош айланиши (46,0% га нисбатан 20,0%; НИ 3,41; 95% ИО 1,40-8,29;  $p=0.006$ ) турғун кечишга қараганда анча кўпроқ учраган. Шу билан бирга, қайталанувчи кечиш билан оғриган беморларда апатия сезиларли эмас, лекин тез-тез намоён бўлган (72,0% га нисбатан 54,0%; НИ 2,19; 95% ИО 0,95-5,03;  $p=0,06$ ), касалликнинг турғун кечишида хотиранинг пасайиши (84,0% га нисбатан 78,0%; НИ 0,68; 95% ИО 0,25-1,85  $p=0,45$ ) кузатилган. Ўрганилган омиллар орасида стресс (74,0%), бош мия (БМ) травмаси (46,0%), семириш (40,0%) ва ҳиссий зўриқиш (38,0%) қайталанувчи кечиш бўлган гуруҳда устунлик қилди. Шунини таъкидлаш керакки, иккала гуруҳдаги эркакларнинг катта қисмида зарарли одатлари мавжуд бўлган: чекиш ва спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш, аммо иккаласи ўртасида ишончли фарқ кузатилмаган.



1-расм. Текширилганларнинг жинси ва ёш бўйича таркиби

Касаллик қайталанган беморларнинг аксарият қисмида (96,0%) турғун кечишли гуруҳга нисбатан бир ёки бир нечта омиллар қайд этилган (78,0% - НИ 6,77; 95% ИО 1,42-32,4;  $p=0,008$ ) (2-расм).



**2-расм. ГНА қайталанувчи кечишининг хавф омиллари “Форест” диаграммаси**

Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, стресс (НИ 17,5; 95% ИО 6,31-48,4;  $p<0,0001$ ), БМ травмаси (НИ 3,02; 95% ИО 1,27-7,21;  $p=0,01$ ), семизлик (НИ 4,89; 95% ИО 1,76-13,6;  $p=0,002$ ) ва ҳиссий зўриқиш (НИ 2,79; 95% ИО 1,11-7,01;  $p=0,03$ ) ўсма қайталанишининг муҳим хавф омиллари бўлган.


Диссертациянинг **“ГНА қайталаниши патогенетик омилларининг гистологик ва иммуногистокимёвий жиҳатлари”** деб номланган тўртинчи бобида Ki-67 фаоллиги, p53 ва хромогранин А (ХГН А) экспрессияси кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Натижалар шуни кўрсатдики, ГНА билан оғриган беморларда аденома тўқималарининг 100 та намунасида текширилган материалларнинг энг кўп миқдори (44%) ўртача фаолликка эга (яъни, Ki-67 3 дан 10% гача), 20% юқори фаоллик ( $Ki-67 \geq 10\%$ ) ва 36% Ki-67 фаоллиги паст ( $<3\%$ ) лиги кузатилган. Қиёсий жиҳатдан, қайталанган кечиш билан оғриган 50 нафар беморнинг 20 тасида (40%) Ki-67 фаоллиги юқори эканлиги аниқланган, уларнинг аксарияти (15 – 75%) фаол бўлмаган гонадотропиномага эга бўлган (НИ 9,0; 95% ИО 2,15-37,7;  $p=0,002$ ). Турғун кечиш билан мусбат экспрессия улуши қайталанган кечишга қараганда деярли 4 баравар кам эди (10 – 20,0%; НИ 0,08; 95% ИО 0,03-0,20;  $p<0,001$ ).

Гуруҳлар бўйича қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, қайталанган кечиш бўлган беморларда дори воситаларининг катта қисми (45-90,0%) мусбат экспрессияланган. Турғун кечиш билан мусбат ифода улуши такрорий оқимга қараганда деярли 4 баравар кам эди (10 – 20,0%; НИ 0,08; 95% ИО 0,03-0,20;  $p<0,001$ ).

Хромогранин А фаоллигига қараб ГНА морфотипини ўрганиш шуни кўрсатдики, қайталанган кечиш бўлган беморларнинг дори воситаларининг катта қисми (45-90,0%) мусбат экспрессияланган.


Касалликнинг турғун кечиши билан хромогранин А нинг мусбат (19 - 38,0%) ва манфий (24 – 48,0%) экспрессияси бўлган намуналарнинг улуши сезиларли даражада фарқ қилмади (НИ 1,51; 95% ИО 0,68-3,34;  $p=0,31$ ). Касалликнинг турғун кечиши билан хромогранин А нинг мусбат (19 - 38,0%) ва манфий (24 – 48,0%) экспрессияси бўлган намуналарнинг улуши сезиларли даражада фарқ қилмади (НИ 1,51; 95% ИО 0,68-3,34;  $p=0,31$ ).





**3-расм. Нофаол гонадотропинома тўқималарида иммуногистокимёвий маркерларнинг экспрессия кўрсаткичлари. 10X20 ўлчамда катталаштирилган**


3-расмда маркер фаоллиги даражасига қараб нофаол гонадотропинома тўқимасини иммуногистокимёвий бўйаш вариантларининг намуналари келтирилган.



**4-расм. Нофаол гонадотропоцитларнинг тўрсимон тузилишга эга кичик тўпламлари. Гематоксилин ва эозин билан бўйланган. 10x40 ўлчамда катталаштирилган**


100 та намуналар орасида 44% ўртача фаолликка эга (яъни Ki-67 3 дан 10% гача), 20% юқори фаолликка эга ( $Ki-67 \geq 10\%$ ) ва 36% паст Ki-67 фаоллигига эга ( $< 3\%$ ); шу билан бирга, 54% ва 40% қайталанган кечишли беморларнинг мос равишда ўртача юқори ва юқори Ki-67 фаоллиги аниқланган ва турғун кечиш билан юқори Ki-67 фаоллиги аниқланмаган. 100 та намуналар орасида 48% ва 64% мусбат экспрессияга эга, 32% ва 28% беморлар эса мос равишда p53 ва ХГН А экспрессиясига эга эмас; қиёсий таҳлилда p53 ва ХГН А нинг мусбат экспрессиясининг 76% ва 90% қайталанган кечишга эга бўлган гуруҳдан олинган намуналар эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Таххисий аҳамиятга эга бўлган анамнестик омилларнинг ROC-таҳлили” деб номланган бешинчи бобида ROC-таҳлил натижалари тасвирланган. Биринчи босқичда модификациянинг эпигенетик омиллари ROC-таҳлил қилинди ва қайталаниш хавфини эпигенетик модификациялашнинг эҳтимолий омиллари орасида - стресс “жуда яхши” башоратли маркер сифатида баҳоланган ( $AUC=0.800$ ; 95% ИО 0.708-0.873;  $p=0.001$ ) (5-расм)). Бундан ташқари, қуйидаги омиллар статистик жиҳатдан ишончли бўлиб чиқди: семизлик ( $AUC=0,640$ ; 95% ИО 0,538-0,734;  $p=0,001$ ), мия шикастланиши ( $AUC=0,620$ ; 95% ИО 0,517-0,715;  $p=0,01$ ) ва ҳиссий зўриқиш ( $AUC=0,600$ ; 95% ИО 0,497-0,697;  $p=0,02$ ), аммо градацияга кўра, уларнинг ГНА қайталанишини башорат қилиш учун башоратли қиймати «ўртача» тоифасига тўғри келган.




5-расм. ГНА қайталаниши анамнестик омилларининг ROC-таҳлили

Кейинчалик гормонлар кўрсаткичлари таҳлил қилинган ва қуйидаги лаборатор кўрсаткичлар статистик жиҳатдан ишончли эканлиги аниқланган: лютеинловчи гормон (ЛГ) –  $AUC$  0,635; 95% ИО 0,532-0,729;  $p=0,03$ ; фолликула стимуловчи гормон (ФСГ) –  $AUC$  0,629; 95% СИ 0,526-0,724;  $p=0,03$  ва пролактин (ПРЛ) –  $AUC$  0,627; 95% СИ 0,524-0,722;  $p=0,03$ , аммо шу билан бирга, градацияга кўра, уларнинг такрорланиш прогнози учун башоратли қиймати ГНА «ўртача» тоифасига ҳам мос келган (6-расм).



6-расм. ГНА қайталаниш хавфи лаборатор даракчиларининг ROC-таҳлили

Бошқа лаборатор кўрсаткичлар, шу жумладан тиреотроп гормон (ТТГ) ва тестостерон ГНАнинг қайталанишини башорат қилиш учун статистик жиҳатдан ишончсиз бўлиб чиқди (ТТГ- AUC 0,568; 95% ИО 0,455-0,676;  $p=0,73$ ; эркин  $T_4$  – AUC 0,558; 95% ИО 0,445-0,666;  $p=0,57$  ва тестостерон – AUC 0,519; 95% ИО 0,407-0,629;  $p=0,91$ ).




#### 7-расм. ГНА клиник ва визуал кўринишларининг ROC-таҳлили

ROC-таҳлили ўтказилган барча клиник ва визуал кўрсаткичларидан (7-расм) фақат гемианопия (AUC 0,720; 95% ИО 0,621-0,805;  $p=0,02$ ) статистик ишончли эди ва ГНА қайталанишини башорат қилиш нуқтаи назаридан «яхши» градацияга тўғри келди. Шунингдек бу бобда қайталанувчи ( $8,84 \pm 5,23\%$ ) кечишли беморларда Ki-67 пролифератив фаоллигининг ўртача кўрсаткичи турғун кечишли беморларга қараганда анча юқори эканлигини аниқланган ( $2,98 \pm 1,57\%$ ;  $p < 0,0001$ ). Касалликнинг қайталанган кечишида Ki-67 пролифератив фаоллиги паст бўлган беморлар (6,0% га нисбатан 66,0%; НИ 0,03; 95% ИО 0,01-0,12;  $p < 0,0001$ ) турғун кечишга нисбатан статистик жиҳатдан камроқ учраган (8-расм).

НИ 0,03; 95%ИО 0,01-0,12;

НИ 2,28; 95%ИО 1,02-5,11;  
 $p=0,04$



#### 8-расм. Ўрганилган гуруҳларда Ki-67нинг фаоллик кўрсаткичлари



Қайталанган кечиш билан бўлган беморларда p53 ўртача экспрессияси ( $69,9 \pm 31,6\%$ ) турғун ( $20,9 \pm 31,8\%$ ;  $p < 0,0001$ ) кечишли беморларга қараганда анча юқори эканлиги аниқланган. Қайталанган кечиш бўлган гуруҳда сезиларли даражада кўпроқ беморларда ( $76,0\%$  га нисбатан  $20,0\%$ ; НИ 12,7; 95% ИО 4,90-32,7;  $p < 0,0001$ ) ўсманинг ижобий p53 экспрессияси намоён бўлган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, қайталанган ( $78,2 \pm 23,1\%$ ) кечишли беморларда хромогранин Анинг ўртача экспрессияси турғун кечишли ( $37,2 \pm 37,6\%$ ;  $p < 0,0001$ ) беморларга қараганда анча юқори бўлган. Беморларнинг катта қисмида олиб ташланган ўсма материалида ( $90,0\%$  га нисбатан  $38,0\%$ ; НИ 14,7; 95% ИО 4,96-43,5;  $p < 0,0001$ ) қайталанган кечиш билан хромогранин А га мусбат реакция аниқланган. Ўтказилган қиёсий ROC-таҳлили натижалари ГНА қайталанган кечишли беморларда ўрганилган маркерларнинг ишончли тарзда юқори кўрсаткичларини кўрсатган. Ki-67 ўртача қийматини ҳисоблаш гуруҳлар ўртасида ишончли фарқни кўрсатган ( $p < 0,0001$ ), текширилганларнинг 40%да қайталанган кечишга эга гуруҳда юқори пролифератив фаоллик аниқланган. p53 ва ХГН А ўртача экспрессия кўрсаткичларининг қиёсий таҳлили, шунингдек, ГНАнинг қайталанган кечишли гуруҳ фойдасига гуруҳлар ўртасида ишончли фарқларни кўрсатган ( $p < 0,0001$ ).

**“ГНА қайталанишининг генетик ва эпигенетик жиҳатлари”** деб номланган олтинчи бобида илмий ишнинг мақсад ва вазифаларига асосланиб, ГНА билан касалланган 100 нафар: 50 нафар - турғун ва 50 – қайталанган кечиш билан беморлар қон зардобиди miRNA -128, miRNA -155 экспрессия даражаси аниқланган. miRNA экспрессион маълумотларини меъёрлаштириш учун референс гени (ген-рефери, референс ген) сифатида miRNA U6 ишлатилган. Ўтказилган тадқиқот шуни кўрсатдики, ўрганилган барча 100 нафар беморда miRNA - 128 экспрессия даражаси miRNA - 155 ( $p < 0,0001$ ) ва miRNA U6 ( $p < 0,0001$ ) га қараганда анча юқори бўлган. ГНАнинг қайталанган кечиш билан бўлган гуруҳда miRNA - 128 ўртача қиймати  $26,9 \pm 5,0$ , таққослаш гуруҳида эса  $24,4 \pm 4,8$  ( $p = 0,01$ ) эди. miRNA -155 ўртача қийматлари қайталанган кечишли гуруҳда  $31,8 \pm 4,7$  ва турғун кечишли гуруҳда  $31,9 \pm 4,9$  бўлиб, мазкур гуруҳлар ўртасида сезиларли фарқ кузатилмаган ( $p = 0,94$ ) (1-жадвал).

#### 1-жадвал

#### ГНАлари қайталанган ва турғун кечимида miRNA экспрессиясининг қиёсий таҳлили (n=100)

| Маркёрлар | Гуруҳлар                     |                         | p           |
|-----------|------------------------------|-------------------------|-------------|
|           | 1-гуруҳ<br>қайталанган, n=50 | 2-гуруҳ<br>турғун, n=50 |             |
| miRNA 128 | $26,9 \pm 5,0$               | $24,4 \pm 4,8$          | <b>0,01</b> |
| miRNA 155 | $31,8 \pm 4,7$               | $31,9 \pm 4,9$          | 0,94        |
| miRNA U6  | $20,4 \pm 4,1$               | $21,2 \pm 3,2$          | 0,30        |
| p1-2      | <0,0001                      | <0,0001                 | <0,0001     |
| p1-3      | <0,0001                      | <0,0001                 | <0,0001     |
| p2-3      | <0,0001                      | <0,0001                 | <0,0001     |

Ki-67, p53, ХГН А фаоллиги, шунингдек miRNA -128, miRNA -155, miRNA -U6 биомаркерлари экспрессиясининг халқаро референс интерваллари ва чегара


кийматлари (“cut-off” нуқтаси) йўқлигини ҳисобга олган ҳолда ушбу вазифани бажариш учун уларнинг ҳар бирига мукаммал кесиш нуқтасини ўрнатиш сабаб бўлди (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Текширилган маркёрларнинг кесиш нуқталари**

| Маркёрлар     | Ki -67 | p53  | ХГН А | miRNA -128 | miRNA -155 |
|---------------|--------|------|-------|------------|------------|
| cut-off point | >2%    | >24% | >77%  | >22,9%     | >32,4%     |

Таҳлил шуни кўрсатдики, AUC Ki- 67 градациясига мувофиқ (AUC 0,884; 95% ИО 0,805-0,939;  $p<0,0001$ ; cut-off point >2%; Se-0,940; Sp-0,660); p53 (AUC 0,835; 95% ИО 0,747-0,901;  $p<0,0001$ ; cut-off >24%; Se - 0,840; Sp - 0,780); ХГН А (AUC 0,825; 95% ИО 0,736-0,893;  $p<0,0001$ ; cut-off point >77%; Se - 0,840; Sp - 0,700) ГНА қайталанишини башорат қилиш учун «жуда яхши» белгилар эканлиги аниқланди (9-расм).



**9-расм. ГНАлари қайталаниш хавфи генетик маркерларининг ROC-таҳлили**

